"СОҲИБҚИРОН" ҚАРДОШЛАР ТАЛҚИНИДА

Бобур номидаги Ўш театрининг Ўзбекистондаги гастроли Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов асари асосида саҳналаштирилган "Соҳибқирон" драмасини намойиш этиш билан бошланди. Амир Темур, Бибихоним, Яссавий образларини яратган Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Салоҳиддин Умаров, Қирғизистон халқ артисти Ойтожи Шобдонова ва Ғанижон Холматовни томошабинлар алоҳида олқишладилар. Ўш театри санъаткорлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Фарғона вилоятидаги Учқўприк тикув трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Раъно Шералиева.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Хўжаикон туз конида.
И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Елим пойабзалчиликда сув ва ҳаводай зарур. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти олимлари яратган янгилик бу муаммони ҳал этишда муҳим босқич бўлди. Улар уретан, каучук аралашмасига "Навоийазот" корхонаси чиқитини қўшиб ишлов бериш билан янги турдаги елим олишга эришдилар. Бу маҳсулот синовдан ўтказилганда бошқа елимлардан пишиқ экани исботланди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 1 май, пайшанба № 51 (22.135).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

1-7 МАЙ

- **1993 йил 3 май — Ўзбекистон талабаларининг биринчи фестивали ўз ишини бошлади.**
- **1993 йил 4 май — Ўзбекистон Республикаси Президенти ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жамғармасини тузиш ҳақидаги Фармонга имзо чекди.**
- **1994 йил 3 май — Тошкентда «Буюк ипак йўли» деб ном олган халқаро теннис мусобақаси тантанали равишда очилди.**
- **1995 йил 5 май — Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади.**
- **1996 йил 6 май — Президент И. А. Каримов ташаббуси билан «Ҳавас» деб номланган анъанавий теннис мусобақаси очилди.**
- **1996 йил 6 май — Бишкекда Ўзбекистон-Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.**

АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

СУРАТЛАРДА: сессия пайти.

А. ТЎРАЕВ ва Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

30 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Қобилжон Обидов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини батафсил таҳлил этди. Бу борада қўлга киритилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга эътиборни қаратди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон халқи танлаган тараққиёт йўлини, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилган мамлакатимиз сиёсатини маъқуллаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган улуғвор ишларни амалга оширишда ҳар бир юртдошимиз бор кучғайратини сарфлаши лозимлигини таъкидладилар.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари М.Усмонов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қ. Ғ. ОБИДОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Қобилжон Ғофурович Обидов Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қ. Ғ. ОБИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қобилжон Ғофурович Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 апрель.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ **ҚОҲИРА. Мисрнинг Искандария кутубхонаси Испаниядан бебаҳо совға олди. Ушбу ҳадя арабларнинг ўтмиш меросига оид олти минг нодир қўлёзма китобдан иборат. Бундан ташқари, ёши 500дан ошиб кеттан мазкур қўлёзмаларда қадим Андалусия арабларининг тиббиёт, фалакиёт, кимё, табиат ва адабиётга оид асарлари битилган.**

* * *

☑ **АНҚАРА. Туркиянинг Дўғубоязит шаҳарчаси яқинида Муборак ҳаж сафаридан қайтиб келаётган чеченлар автобуси ҳалокатга учради. Натижада 6 нафар ҳожи ҳалок бўлди. Онадўли ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, автобус Туркия ва Грузия орқали Чеченистонга бориши керак бўлган. Ушбу хабарда айтилишича, айни пайтда Россиянинг фавқулодда ҳолатлар вазирлиги ўз қарамоғидаги самолётлардан бирини жароҳатланган ҳожиларга ёрдам кўрсатиш учун Туркияга юборган.**

* * *

☑ **ҚОБУЛ. Афғонистонда Аҳмадшоҳ Масъуд ва Абдурашид Дўстум билан «Толибон» ҳаракати ўртасидаги жанглар тобора шиддатли тус олмоқда. Айни пайтда Кунар вилоятининг маъмурий маркази —Асадобод шаҳри яқинида қаттиқ тўқнашувлар бўлмоқда. Аҳмадшоҳ вакилининг айтишича, Асадобод ҳали ҳам толиблар қўлида турибди. Бироқ, «Толибон» шаҳарни қўлдан чиқармаслик учун катта талафотлар кўришга мажбур бўлмоқда. Энг сўнгги тўқнашувда толиблардан 40 киши ҳалок бўлган.**

ЯНГИЧА ТАФАККУРГА — КЕНГ ЙЎЛ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ депутатлари!

Азиз дўстлар!

Авваламбор Ўзбекистонимизнинг Андижондек мўътабар масканида учрашиб, сиз азизларга ўз ҳурматим ва эҳтиромимни изҳор қилишга рухсат этгайсиз.

Андижон нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг жаннатга тенг гўшаларидан бири бўлиб, бетакрор табиати, саҳий ва мард, ғурурли, ориятли, меҳнатсевар кишилари билан ўзига муносиб ном таратган.

Андижон бир неча минг йиллик тарихга, ўзига хос анъаналарга, ноёб деҳқончилик мактабига эга бўлган юрт.

Андижонда шаклланган ҳунармандлик ва саноат ишлаб чиқаришининг илк тажрибалари тўқимачилик, косиблик, темирчилик ва бошқа соҳалар қадимий ўзбек ишлаб чиқариш маданияти ва санъатининг сарчашмаларидан биридир.

Андижон деганда кўз ўнгимизда буюк инсон, улкан шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, темурийлар авлоди Заҳириддин Муҳаммад Бобур гавдаланади. Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсолидир.

Андижон — буюк санъат ва маданият маскани. Бу ерда туғилиб вояга етган Аббос Бакиров, Сойиб Хўжаев, Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, улкан фан дарғалари Тошмуҳаммад Саримсоқов ва Хадича Сулаймонова халқимизнинг фахрига айланган. Ғайратий, Оразий, Ҳабибий ва бошқалар ўзбек мумтоз шеъриятининг йирик намояндалари сифатида бадиий сўз қудратини, ўзбек тили гўзаллигининг янги қирраларини кашф эта олган улуғ санъаткорлардир.

Бу заминда мустамлакачиликка қарши кураш, миллий озодлик ва юрт мустақиллигини таъминлаш йўлида жон фидо қилган жасоратли кишилар дунёга келган. Жадидчилик ҳаракатининг улкан фаолларидан бири Сулаймон Келчикбоев, Дукчи Эшон сингари юзлаб халқ фарзандлари миллий маданият ривожи ва миллий озодлик учун курашдилар. Истиқлол қурбонлари ҳақида гап кетар экан, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир қаторида андижонлик улкан шоир ва маърифатпарвар Абдулҳамид Чўлпон номини эсламаслик мумкин эмас. Унинг тарихий хизмати бебаҳодир.

Бугун мустақил тараққиёт йўлидан бораётган эканмиз, ана шу улуғ аждодларимиз орзуларини амалга ошираяпмиз. Улар кутган, умид қилган жамиятга асос солаяпмиз.

Мамлакатимизда сиёсий, маънавий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишда андижонликлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Янги мулкчилик шаклларини яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, саноат, қурилиш, ижтимоий соҳаларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Миллий меъморчилик услубида бозорлар, гузарлар, маиший хизмат шаҳобчалари қурилиб, қишлоқ инфраструктураси ривожлантирилмоқда.

Қисқа вақт ичида спирт заводи, эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарувчи «Анконтекс», тикув машиналари ишлаб чиқарувчи «Тиксанти», минерал сув, кетчуп, спагетти ишлаб чиқарувчи «МАСК» ва бошқа йирик саноат корхоналари ишга туширилди.

Вилоят саноат мажмуидаги барча мулк шаклидаги корхоналарда ўтган йили таққослама нархларда 26 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки саноат маҳсулоти ҳажми 1,7 марта ортди.

Бутун жаҳон автомобилсозларининг ҳавасини келтирадиган «ЎзДЭУавто» автомобиль заводи уч йил ичида қуриб ишга туширилди.

Айни пайтда Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатнинг бирига айланди. Бугунги кунга келиб ушбу заводда ишлаб чиқарилган 50 мингга яқин автомобиль халқимиз узоғини яқин қилмоқда, чет мамлакатларга экспорт қилиниб, мамлакатимиз қудратини намоён этмоқда.

Кореялик ҳамкорларимиз билан келишувга асосан, 2000 йилга бориб автомобилларнинг бутловчи қисмларининг 70-80 фоизини ўзимизда ишлаб чиқарамиз.

Демак, мамлакатимизда яна кўплаб замонавий технологияга асосланган янги корхоналар ташкил этилади. Ҳозирнинг ўзида учта қўшма корхона ва мамлакатнинг бошқа корхоналарида 130 турдан зиёд бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси республикамиз ҳаётида катта сиёсий, маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан биргаликда, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Биргина мисол, берилган имтиёзлар тугаган йилдан бошлаб, вилоятда ҳозирги кунда ишлаб турган қўшма корхоналар давлат бюджетига йилига 6 миллиард сўмдан ортиқ тушумларни таъминлайди. Бу бутун Андижон вилоятининг салкам бир йиллик бюджет харажатларига тенгдир.

Вилоятда халқ хўжалигига жалб этилган чет эл инвестицияларининг миқдори 300 миллион доллардан зиёд. Ҳозирги вақтда вилоятда 82 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилган. Ўтган йилда қўшма корхоналар томонидан 11 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотининг 40 фоизи демакдир.

Муҳтарам дўстлар!

Андижонлик деҳқонларнинг кейинги йиллардаги ютуқлари барчамизни қувонтирмоқда. Улар ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар ва мамлакатимиз вилоятлари ўртасида бир неча йилдан буён карвонбошилик қилиб

(Давоми 2-бетда).

МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Тошкент электротехника алоқа институти кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор А. Абдунабиев «Ўзбекистонда кўппартиялилик тизимининг шаклланиши — демократияни қарор топтиришнинг муҳим омили» мавзуида маъруза қилди.

Машғулотда партиянинг Олий Мажлисдаги қатор депутатлари, ХДП МК, Тошкент вилояти ва шаҳри, пойтахт туманлари кенгашларининг масъул ходимлари, партия марказий нашрлари ижодий жамоаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

АМЕРИКАДА ҚОВУН ЭККАН ЎЗБЕК

Ширин-шарбат қовунларимизнинг довруғи океан ортигача етиб борди. Бўлмаса, гулистонлик Исмат Анорбоев бир қоп қовун уруғи, 3 нафар шериги ва кетмони билан Америкага йўл олмасди. Ҳаммасига ўтган йили Тошкент бозорида Мирзачўлда етиштирилган қовунлардан харид қилиб, таъмига қойил қолган америкалик тадбиркорлар сабабчи бўлишди. Хуллас, Исмат Анорбоевнинг омади келди. Қовун етиштириш устасига 3 минг доллардан иш ҳақи, уй-жой, машина тайинланди. Бориш-келиш ва бошқа харажатлар ҳам улар ҳисобидан. Яқинда Исмат Анорбоев Америкадан қўнғироқ қилди: эккан уруғлари униб чиқибди. Ишқилиб, Анорбоевнинг деҳқончилиги бароридан келсинда.

Абдужалил УМАРОВ.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИГА ҲОЗИРЛАНИБ

Маълумки, шу ойда Тошкентда Халқаро XII кинофестиваль ўтказилади. Ҳозиргача 38 та мамлакат киночилари бу катта анжуманда қатнашиш истагини билдирди.

Кинофестивалга тақдим этилган фильмлар Тошкентдаги бир қатор кинотеатрларда намойиш этилади.

Шу муносабат билан «Киночилар уйи»да Тошкент халқаро XII кинофестивалига тайёргарлик ишларининг боришига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг раиси, Халқаро киноанжуман бош директори Темурмалик Юнусов фестивалнинг асл моҳияти, унга тайёргарлик, ташкилий ишлар ҳақида гапириб берди.

Гулшан АСАДОВА.

ЯНГИЧА ТАФАККУРГА — КЕНГ ЙЎЛ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

келмоқдалар. Андижонликлар ер унумдорлигини ошириш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, деҳқончиликда янги усул ва технологияларни жорий этишда ўзига хос мактаб яратдилар.

Пахтачиликда янги технология қўлланилганлиги тўғрисида, **чигитни плёнка остига экиш тажрибаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.**

Шу усул билан ўтган йили вилоятда 10 минг гектарга яқин майдонда пахта етиштирилиб, яхши натижаларга эришилди. Бу усул ҳосилдорликни 10-15 центнерга ошириш, сувни тежаш, қатор ораларига ишлов беришни камайтириш, пахтанинг таннархини пасайтириш ва бошқа бир қанча имкониятларни очиб беради.

Пахтачиликда янги технологиянинг яратилиши ва мамлакатимизда кенг тарқалиши қишлоқ хўжалигида катта бурилиш ясашига ишонаман. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Бу йил мамлакатимизда 200 минг гектар ерга плёнка остига пахта экилди.

Вилоят ғаллакорларининг мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Улар ғалланинг сифатли, ҳосилдор ва эртапишар навларини танлаб, агротехника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Вилоятда 1995 йилда ўртача 44 центнердан буғдой ҳосили олинган бўлса, ўтган йили уруғчиликка катта эътибор берган вилоят деҳқонлари ўртача ҳосилдорликни 50 центнердан оширдилар. Шаҳрихон, Марҳамат, Балиқчи, Бўз туманларида ҳосилдорлик 55-60 центнерга етказилди, кўплаб хўжаликлар 65 центнердан хирмон кўтардилар. Ўзларингиз ўйлаб кўринг, беш йил аввал бундай ютуқларга эришиш мумкинлиги кимнинг хаёлига келган эди?

1997 йилда вилоят бўйича гектаридан 60 центнердан ғалла ҳосили олишни ва мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига 200 минг тонна юқори навли уруғлик буғдой етказиб беришни мўлжаллаб меҳнат қилаётган экансизлар, бу марраларни ҳам муваффақият билан эгаллашингизга ва берган ваъдангизнинг устидан чиқишингизга ишонаман.

Ҳурматли дўстлар!

Амир Темур ва Бобурдек буюк бобокалонларимизнинг шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берганликларининг боиси шундаки, инсонлар қанчалик гўзал ва обод, гуркираб ривожланган шаҳар ва қишлоқларда яшасалар, меҳнат қилсалар, шунчалик кайфияти кўтаринки, ишлари унумли бўлган. Зеро, жамият аъзоларида она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни қарор топтириш учун аввало ҳар бир инсон ўзи яшаб турган шаҳрига, маҳалласига, хонадонига бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириши зарур.

Боболаримизнинг ана шу удумларига содиқ бўлган андижонликлар мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор билан қарай бошладилар.

Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари каби, Андижон ҳам улкан қурилиш майдонига айланди. Ўтган 1996 йил мобайнида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 9 миллиард сўмга яқин капитал сармоялар ўзлаштирилди. Сўнгги тўрт йил ичида 2,4 миллион квадрат метр уй-жой, 25 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб биноларини қурилди.

Вилоятда миллий, замонавий меъморчилик талаблари асосида, жаҳон андозаларига мос ҳолда қад кўтараётган бинолар кўпайиб бормоқда. Теннис корти, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бинолари, автосервис салони, Андижон аэропорти қуриб битказилди, бир қанча шоҳкўчалар кенгайтирилди ва ободонлаштирилди.

Энг қувончли томони шулким, бугун вилоятда маънавий-маърифий ишларни кенг кўламда амалга оширишга, инсон тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Халқимизнинг бой тарихи, маънавияти, маданияти, қадриятлари ва урф-одатларини ўрганиш ва эъзозлаш, юртимизни янада обод ва гўзал этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Энг чекка, олис қишлоқларда ҳам кўчалар тоза, дарахтлар бежирим оқланган, кўкатлар ва гуллар киши кўзини қувонтиради, яхши кайфият, ажойиб ором бағишлайди.

Дарҳақиқат, гўзал масканлар қад кўтараётгани, барпо бўлаётганини кўриб, ҳар қайси ёшда бўлган одамзодда ҳам покланиш, эзгу ниятларни амалга оширишга интилиш пайдо бўлиши муқаррар.

Андижон вилояти эришаётган ютуқлар бу ерда кадрлар масаласига тўғри ёндошиш, уларга нисбатан талабчанлик ва принципиал муносабат билан бир қаторда, кадрларни, авваламбор, ёш авлодни тарбиялаш ва уларга зарур шароит яратиб, ишонч билдириб, авайлаб, эъзозлаб сиёсат олиб боришида деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Бугунги имконият, ушбу фурсатдан фойдаланиб ҳал этилиши зарур бўлган, олдимизда турган айрим муаммолар тўғрисида гаплашиб олсак. Бу муаммолар нималардан иборат?

Биринчидан, Андижон мамлакатимиздагина эмас, бутун дунёда аҳоли энг зич яшайдиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, вилоятда аҳоли сонининг ўсиш суръатлари жуда юқори бўлиб, йилига ўртача 50 минг кишига тўғри келади.

Мен аҳолини, айниқса, **ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.**

Андижон вилоятида бу энг долзарб масалалардан бири. Расмий маълумотга қараганда, ўтган йили иш қидириб мурожаат қилган 27 минг фуқаронинг 80 фоизи иш билан таъминланган. Лекин, ишончим комилки, ишга муҳтож бўлганларнинг сони бундан анча кўп. Чунки, ҳамма ҳам иш сўраб давлат идораларига мурожаат қилавермайди. Бозорлар атрофида айланиб тирикчилигини ўтказиб юрганлар асосан ёшлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз: 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр - инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Ҳали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз?

Жамиятимиз истиқболини, миллатимизнинг тақдирини, иқболини, бахту саодатини ўйлар эканмиз, энг аввало, мана шу саволга жавоб топишимиз керак.

Ёшлар тарбияси, таълим олиши, иш билан таъминланиши ҳақида гап борар экан, менинг фикримча, биринчи навбатда халқ таълими тизимини бутунлай қайтадан ислоҳ қилиш, аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган минг-минг ўсмирлар иш тополмай, ишга жойлашолмай овора бўлиб юрибди.

Рақамларга мурожаат қилайлик: Республикада жами 5 миллион 200 мингдан ортиқ ўқувчи бор. Шундан 9-синфни битирувчилар 455 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 250 мингга яқини 10-синфда ўқишни давом эттиради.

Энди бир тасаввур этайлик: 9-синфни битирганларнинг қолган қисми, яъни 200 мингдан ошиқ боламиз қаерга боради?

Маълумотларга қараганда, 100 мингтаси махсус ўқув юртларида касб ўрганар экан. Қолган 100 мингдан ортиқ ўсмир кўчада қоляпти.

Афсуски, муаммо шу билан чекланмайди. Ҳар йили 11-синфни битираётган ёшларнинг 25 минг нафари, ёки 10 фоизи олий ўқув юртларига киради. Қолган 90 фоиз ихтисосга, малакага эга бўлмаган ёшлар нима билан шуғулланмоқда?

Бундай муаммо Андижондек аҳолиси зич вилоятда айниқса долзарбдир. Чунки, ишсиз қолаётганларнинг камида ўндан бир қисми шу вилоятга тўғри келаяпти.

Бугун биз мана шу масалаларни кўзда тутиб маориф тизимини бутунлай ўзгартириш, замон талабига жавоб берадиган мажбурий умумий 9 йиллик ўрта таълим тизимини, шу билан бирга, ихтиёрий-мажбурий равишда яна уч йиллик ўқув юртларини ҳар қайси туман, шаҳарларда ташкил қилиб, уларда фарзандларимизнинг ўқувини энг замонавий услубда жорий этиб, болаларимизга авваламбор бугунги ҳаёт талаб қиладиган касб бериш, уларни ҳаётга тайёрлаш каби бурчимизни бажариш ҳақида янги қонун ва фармонлар тайёрлаш тўғрисида бош қотирмоқдамиз.

Аҳолини иш билан таъминлашдек кескин муаммони ечиш учун биринчи навбатда кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш, мураккаб вазиятлар юзага келганда эса, маҳаллий шарт-шароитни эътиборга олган ҳолда, янги-янги имкониятларни излаб топиш ҳисобига ҳал этиш зарур.

Иккинчидан, аҳоли сонининг ошиб бориши, шубҳасиз, таъминот масаласини кескинлаштириб қўйиши табиийдир. Мен биринчи навбатда озиқ-овқат таъминотидаги муаммоларни назарда тутаяпман. Агар очиғини айтадиган бўлсак, вилоятдаги мавжуд 200 минг гектардан ортиқ унумдор ер билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Шунинг учун **мавжуд ерлардан ишнинг кўзини билиб, андижонча омилкорликни ишлатиб, аҳолининг шахсий томорқаларидан унумли фойдаланиб, йилига икки-уч ҳосил олишнинг кенг имкониятларига йўл очиш зарур.**

Хитойда бир парча ердан бир йилда икки-уч ҳосил олиш деҳқончиликда мўъжиза эмас, оддий ҳодиса ҳисобланади. Томорқанинг бундай миришкорлари Андижонда ҳам кўплигини яхши биламиз. Улар бозорларга файз, хонадонларга барака киритишларига, юртга саховат ва тўкинчилик бағишлашига ишонамиз.

Шахсий томорқани фақатгина тўкинчилик ва даромад манбаи деб тушунмаслик керак. **Фарзандларимизнинг томорқада ишлаши уларда меҳнат малакаси пайдо этиш билан бир қаторда, уларнинг ерга меҳрини, элга, юртга, Ватанга бўлган садоқатини кучайтиради, ҳалол нон топиб ейишга ўргатади ва, табиийки, ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш учун имконият яратади.**

Демак, томорқани ривожлантиришнинг иқтисодий, ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам бу масалага қишлоқда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг асосларидан бири деб қараш керак.

Деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳозирги ислоҳотлар даврининг энг долзарб вазифасидир. Бу борада дастлабки ютуқлар бор. Жумладан, Марҳамат туманидаги Тожимирза Нуриевнинг «Шуҳрат», Кўрғонтепа туманидаги Комилжон Содиқовнинг «Аваз» каби кўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари ибратли ишлар қилмоқдалар.

Бироқ, **ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Уларнинг кўпчилиги тўрачиликка, буйруқбозликка, энг ёмони, таъмагирликка учрамоқда. Айрим раҳбарлар онгида маъмурий буйруқбозлик тизимининг иллатлари ҳамон яшамоқда. Улар ислоҳотларнинг моҳиятини яхши англаб етмаяптилар. Шу сабабли янгилик йўлига тўсиқ бўлмоқдалар.**

Қишлоқда мулкдорлик шакли тўла қарор топгани йўқ. Фуқаролар мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдалана олмаяптилар. Мустақилликнинг олтинчи йилида яшаяпмиз. Бу тарихан қисқа муддат бўлса-да, маълум бир янгилик моҳиятини англаб олиш учун етарли муддат деб ўйлайман.

Энди эскича ишлашга интилиш, эски қолипларни асраш, кечаги кун билан яшаш умидларидан воз кечайлик, эскилик сарқитларидан соқит бўлайлик. Янгиликка, янгича тафаккурга йўл очиб берайлик. Одамларни ҳам шунга даъват этайлик.

Учинчидан, вилоятда бюджет даромад қисмининг йиллик режаси бажарилган бўлса-да, бу соҳада мавжуд катта имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Жумладан, халқ хўжалигини молиялаштиришга сарфланиши керак бўлган 2,3 миллиард сўм бюджет тўловлари ундириб олинмаган.

Вилоятда ташкилот ва корхоналарнинг ўзаро тўлов интизоми қониқарли ташкил этилмаганлиги туфаили дебиторлик қарзлари 5,3 миллиард сўмга етди, шундан муҳлати ўтган дебиторлик қарзлари эса 36 фоизни ташкил этади.

Ана шу камчиликлар оқибатида вилоятда иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашда, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни газлаштириш ва бюджет ҳисобига бунёд этилиши зарур бўлган объектлар қурилишини молиялаштиришда бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жаҳон бозори талаблари даражасига етмаяпти, натижада маҳсулотларни экспорт қилиш даражаси паст. Ҳатто, республика ҳукумати томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мавжуд қўшма корхоналарнинг фақат 20 тасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, иккита қўшма корхона ўз маҳсулотини экспорт қилаяпти, холос. Булар, қўшма корхоналар тузишда хорижий шерикларнинг молиявий аҳволини, уларнинг халқаро обрўйини ўрганишда ва маркетинг масалаларида кадрларнинг билим ва тажрибалари ҳали етарли эмаслигидан далолат беради.

Етиштирилган ширин-шакар мева ва сабзавотимизнинг юқори сифати тўғрисида кўп гапирамиз. Бироқ, тижоратчиликнинг энг оддий усулларидан ҳам фойдалана олмаяпмиз. Маҳсулотларни кўзни қувонтирадиган, харидорлар диққатини тортадиган шаклда қадоқлаш учун энг замонавий технологияларни йўлга қўя олмаяпмиз.

Кўп марта айтганман, яна такрорлайман: **халқнинг келажагини, ҳеч бўлмаганда ўз корхонаси истиқболини ўйлайдиган раҳбар албатта экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши керак.**

Тўртинчидан, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш кўнгилдагидек эмас. Ҳозирги кунга келиб аҳолининг 62 фоизи марказлашган тартибда ичимлик сув билан, 56 фоизи табиий газ билан таъминланган, холос.

Биламиз, ҳар йили қиш фаслига келиб табиий газ босимининг камайиб кетишидан вилоят аҳолиси норози бўлмоқда. Шуни ҳисобга олиб, **республика ҳукумати Андижон вилояти, қолаверса, Фарғона водийси аҳолисини қиш мавсумида табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Хўжаобод туманида ер ости газ омбори қуришга қарор қилди.**

Бу иншоот нархи, чет мамлакат сармоялари ва ўз харажатларимизни қўшсак, тахминан 100 миллион Америка долларига етади ва, иншоолло, 1998 йилда ишга тушади. Ҳозирги вақтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Лекин вилоят қишлоқ аҳлининг бир қисми ҳамон тоза ичимлик сув билан таъминланмаганига нима дейиш керак?

Бу диёрнинг меҳнаткаш, фидойи халқини ҳеч бўлмаганда сув билан таъминлашга туманлар ҳокимлари, шу ерда ўтирган мутасадди раҳбарлар ўзларида рағбат сезмаяптилар. Ўйлайманки, вилоят раҳбарияти бундан тегишли хулоса чиқариб олади.

Ҳурматли дўстлар!

Энди бугунги учрашувимизнинг асосий масаласига ўтишга рухсат бергайсиз Андижон ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар тажрибаси вужудга келмоқда. Буни ҳаммамиз тан олмоқдамиз. Очиғини айтишимиз керак: бозор ислоҳотларини, янгиликларни татбиқ этишда, ободонлаштириш ишларида, аҳоли эҳтиёжини қондириш масалаларида, бир сўз билан айтганда, одамлар онгида янги иқлим - меҳнатга янгича муносабат ташкил этишда Андижон раҳбариятининг, шу жумладан, вилоят ҳокими Қобилжон Обидовнинг ҳиссаси катта. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ана шу бой тажрибани оммалаштириш, мамлакатимизнинг бошқа вилоят, туманларида ҳам жорий этиш, амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эга эканини кўпчилик яхши тушунади, албатта. Мана шу мақсадларни кўзда тутиб, Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидовни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик лавозимига ўтказиб қўйдик.

Шундан бери, мана, етти ой ўтмоқда. Шу давр мобайнида бу кишининг ташаббуси билан республика миқёсида анча ижобий ва самарали ишлар қилинди.

Ана шу даврда вилоят ҳокими лавозими бўш турди. Биз биламиз: Андижонда иқтидорли, давр талабларига жавоб берадиган, ислоҳотларга қодир кадрлар кўп. Улар ўз қобилиятларини кундалик фаолиятларида кўрсатишмоқда. Биз бундай истеъдодли раҳбар ва ташкилотчилар хизматини юксак қадрлаймиз. Уларнинг юксак фазилатларини амалда кўрсатишда имкон туғдиришга доимо ҳаракат қилганмиз ва бундан кейин ҳам қўлимиздан келганча кўмак берамиз.

Аммо бугун гап бошқача бўляпти. Мана шу нозик масалалар бўйича мен сиз муҳтарам халқ ноиблари билан, сиз орқали бутун Андижон аҳли билан ўртоқлашиб, фикр алмашиб олмоқчиман.

Биринчидан, очиқ айтишим керак, Қобилжон Обидовни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига олаётганда у кишининг бу вазифага ўтишга хоҳиши йўқ эди. Лекин мен Қобилжон билан яхши гаплашиб олгандан кейин, бугунги вазият, инсон, раҳбар бурчи ҳақида бўрттириб суҳбатлашиб олгандан кейин бу масала ечилди.

Иккинчидан, мана шу етти ой давомида, бу кишининг фаолиятини кузатиб юриб, бир нарсани чуқур сездим ва шундан хулоса чиқаришга мажбурман — Қобилжон Обидовнинг ўзи Тошкентда-ю, лекин бутун ақли-вужуди мана шу ер, мана шу замин атрофида паришон бўлиб қолмоқда, кўнглида олдинги ишининг ташвишлари, Андижон аҳлининг ғами қолиб кетмоқда.

Республика, мамлакатимиз миқёсида турган вазифалар ўйида бош қотириб ишлаётган пайтларида ҳам иккиланиш, эзилиш ҳолатлари билиниб, ишнинг пировард натижасида сезилиб турибди.

Учинчидан. Албатта, барчамиз яхши тушунамиз: ҳар қайсимизнинг — биз қайси мансабда бўлишимиздан қатъи назар, — ўрнимизни босадиган, балким биздан ҳам яхшироқ ишлайдиган одам топилади. Лекин, бошланган ишларни давом эттириш, пировардига етказишда муносиб раҳбар топиш — жуда мураккаб вазифа.

Мана шу фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олганда, аввало вилоятнинг оғир юкини, унинг икки миллионли аҳолисининг эҳтиёжларини, бу ерда ҳал этилиши керак бўлган масалаларни англаган, тасаввур қилган ҳолда, Қобилжон Обидовни вилоят ҳокими вазифасига қайтариш мақсадга мувофиқ, деган фикр туғилмоқда. **Шу масала бўйича, ҳурматли халқ ноиблари, сизларнинг қарашларингизни билмоқчиман.**

Азиз дўстлар!

Яна бир масала бўйича ўз фикримни — миннатдорлигимни етказмоқчиман. Ўтган даврда сиз, андижонликлар ҳар қандай вазиятда ҳам бир бирларингизга меҳр-оқибатли эканлигингизни намоён қилдингиз. Умумий манфаат йўлида жамият ва халқ равнақи ишида бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб фаол меҳнат қилдингиз.

Вилоятдан ўтган вақт мобайнида бирон бир шикоят, норозилик, ортиқча гап-сўз чиққан эмас. Нима, Андижонда муаммо йўқ дейсизми? Бу ерда ҳамма масалалар ҳал этилганми?

Йўқ, албатта. Барча вилоятлардаги каби Андижонда ҳам ўтиш даврининг қийинчиликлари ўзини кўрсатиб турибди. Бироқ халқ билан раҳбарият бирлашиб, ана шу муаммоларни ҳал этишга интилиб, меҳнат қилишди ва бошқалар учун ибрат-ўрнак кўрсатишди.

Яна бир бор айтаман: Андижон аҳли шижоатли, яратувчан, янгиликка ўч, ўз сўзи ва ориятини барча нарсадан устун қўядиган, юксак маданиятли халқдир. Бу кўҳна замин, бу қадимий халқ кўп нарсага қодир. Андижоннинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида тутган ўрни беқиёс. Унинг кенг имкониятлари, катта ишлаб чиқариш қуввати ва ақлий салоҳияти бор.

Ҳамма гап ана шу имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланишда. Сизлар бу вазифани бажаришга қодирсиз, деб ишонаман. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ватан равнақи йўлидаги ишларингизда янги омад ва муваффақиятлар тилайман.

Эзгу ишларингизда Оллоҳнинг ўзи ёр ва мададкор бўлсин.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ИНСОФМИ, ЎҒРИЛИКМИ?»

Фарғона вилояти ҳокимлигининг мутахассислари томонидан газетанинг 1997 йил 25 январь сонида чоп этилган «Инсофми, ўғриликми?» сарлавҳали мақоласи ўрганиб чиқилди.

Мақолада ёзилган камчиликларга йўл қўйган шахслардан моддий зарарлар ундириб олиниб, улар эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиндилар.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида нефть маҳсулотларининг ўта зарурлигини эътиборга олиб улардан самарали фойдаланишни ҳамда мақолада кўрсатилган камчиликларга келгусида йўл қўймасликни таъминлаш вилоят ҳокимлиги доимий назоратида бўлади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари А. МУҲИТДИНОВ.

«ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 22 февраль сонида чоп этилган «Ҳаммамиз масъулмиз» сарлавҳали мақола туман ҳокимлигида, вилоят халқ таълими бошқармасида ва барча мактабларда муҳокама қилинди. Мактаблардаги ўқиш жараёнидаги интизомни кучайтириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

«Маҳалла», «Камолот» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказларига ташвиқот-тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида мактабларда учрашувлар, суҳбатлар ва мулоқотлар ўтказиш ишларини янада кучайтириш топширилди.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Р. РАҲМОНОВ.

«ЙЎЛОВЧИГА ҚУЛАЙЛИК, КОРХОНАГА НАФ»

Газетанинг 1997 йил 15 март сонида чоп этилган «Йўловчига қулайлик, корхонага наф» сарлавҳали мақола Зангиота автокорхонаси ва Тошкент вилояти автошоҳбекатлар ва автобошбекатлар бирлашмаси раҳбарияти билан атрофлича ўрганиб чиқилди.

1997 йил 13 февраль куни Зангиота автокорхонасига қарашли давлат белгиси 41-71 ТШС автобусининг ҳайдовчиси И. Аҳмедов «Тошкент-Шимкент» йўналиши бўйича ишга чиққан. Автошоҳбекатдан ушбу автобусга соат 15.00 дан 17.00 гача атиги 3 нафар йўловчига чипта сотилган. Ҳайдовчи ушбу йўловчиларга Шимкент шаҳрига бормаслигини айтиб, уларни «Тошкент-Жамбул» йўналиши бўйича жўнаётган автобусга ўтказиб юборган. Ҳайдовчининг йўл варақасига автокорхонага қайтиб кирганлиги тўғрисида белги қўйилган. Лекин ҳайдовчи шароитни автошоҳбекат раҳбарларига тушунтирмаганлиги ва ўзбошимчалик билан автокорхонага қайтиб кирганлиги учун Зангиота автокорхонасининг 1997 йил 77-сонли буйруғи билан И. Аҳмедовга ҳайфсан эълон қилинган.

Келгусида бундай нохуш ҳолатлар қайтарилмаслиги мақсадида ушбу мақола «Тошвилйўловчитранс» концернининг 3/14-496 сонли хати орқали барча автокорхоналарга юборилди.

Автокорхоналар раҳбарларига ушбу мақолани ҳайдовчилар ўртасида кенг муҳокама қилишлари, тегишли тушунтириш ишлари олиб боришлари вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари М. АЛИЕВ.

«ҚАЕРДА ДАМ ОЛАМИЗ?»

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан газетанинг 1997 йил 22 март сонида чоп этилган «Қаерда дам оламиз?» сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.

Шуни маълум қиламизки, 1987 йилда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли 80 ўринли касалхона асосида 130 ўринли «Зарафшон» санаторияси ташкил этилган. Охирги йилларда Самарқанд вилояти ИИБ фахрийлари стационар шароитида даволанишни, касалхонани қайта тиклаш таклифини бир неча бор киритишди. Бунда соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналаридаги дори-дармон танқислиги, санатория ўринларининг 30-40 фоиздан ошмаётганлиги кўрсатилган.

«Зарафшон» санаторияси ички ишлар идоралари тизимида ягона эканлигини ҳамда вилоят ИИБ фахрийлари илтимосини инобатга олиб, вазирлик раҳбарияти санаторий таркибида 30 ўринли стационар бўлинмаси ташкил этиб, қолган ўринларда санаторийда даволаниб дам олиш масаласини ҳал қилди.

Вазир ўринбосари Ш. МАВЛОНОВ.

ҚОЗОҒИСТОН: ҚАРЗЛАРНИНГ ОҒИРЛИГИДАН ИҚТИСОДИЁТ ДАРЗ КЕТМОҚДА

Қозоғистон иқтисодиёти ҳозирги вақтда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ярмига тенглашиб қолган тўловлар ушлаб турилиши оқибатида хавфли молиявий тангликка яқинлашиб қолди.

Шу йилнинг биринчи чорагида солиқларни йиғиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоизга камайиб кетди. Биринчи навбатда саноат секторида солиқларни йиғиша олмаётгани, қолаверса танглик оқибатида солиқларни тўламаслик унга оғир зарба бўлиб тушмоқда.

Қозоғистон расмий доираларининг «Интерфакс» янгиликлар агентлигига берган баёнотига кўра, ҳукумат бюджет танқислиги 1997 йилги ялпи ички маҳсулотнинг мўлжалланган 3,16 фоизидан ошиб кетиши мумкин. Танқисликнинг ошиши ташқи қарзларнинг кўпайиши ёки ёз охирига бориб 200-300 миллион АҚШ доллари миқдорида «Самурай» акцияларини чиқариш мўлжалланган бўлсада, пул сиёсатини барқарорлаштириш учун мамлакат мажбуриятларини қаттиқ кучайтиришга олиб келиши мумкин.

Қозоғистон корхоналарининг муддати ўтиб кетган қарзларининг умумий миқдори 541 миллиард тенгени (4,3 миллиард АҚШ долларини) ташкил қилади, бу эса мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ярмига тенг, бунга 44 миллиард тенге миқдорида ҳисобларга қўйилган тўловларни, 30 миллиард тенге нафақа тўловларини ва 70 миллиард тенге энергия узатиш учун тўловларни қўшсак бу манзара янада яққолроқ намоён бўлади.

Энергия узатувчи таъминотчилар тўловларни ололмаётганликлари сабабли катта зарар кўрмоқдалар ва яқинда нефтни қайта ишлаш ҳамда кўмир қазиб олиш бўйича хусусийлаштирилган корхоналар ўзларига қарздор бўлган ташкилотларга мол етказиб беришни ё тўла тўхтатдилар ёхуд ўз маҳсулотларини бошқа истеъмолчиларга— четга чиқара бошладилар.

Қозоғистон ҳукумати рўй берган аҳволни тузатиш мақсадида ўзининг эски режалаштириш усулларига қайтди. «Мобил» ва «Шеврон» нефть компанияларига экин-тикин мавсуми бошланиши муносабати билан қишлоқ хўжалик секторини қўллаб-қувватлаш учун дизель ёнилғисини етказиб бериш топширилди.

Мана бир неча ойлардан бери иш ҳақи ва нафақалар бўйича тўловларни ололмаётган ишчилар ва нафақадорлар кейинги бир неча ҳафта мобайнида умумий иш ташлаш намойишини ўтказаётганликларига қарамай кейинги икки ҳафтада бу намойиш муваффақият келтирмади.

Қозоғистоннинг расмий доиралари пул сиёсатини қаттиқ кучайтиришда Халқаро Валюта Фонди (ХВФ)ни айбламоқдалар, у кўпгина корхоналарни инқирозга учратишни мақсад қилиб қўйганмиш. Бироқ ғарблик иқтисодчилар шуни таъкидлашдики, бу тугатиладиган танглик эмас ва у иқтисодиётга қўйилган тенгелар етишмаслиги оқибатида рўй бермаган.

«Агар шундай ҳол бўлганида эди, фоиз ставкалари ўсиб кетган бўларди, ҳолбуки, улар тушиб кетди.

Бундан ташқари одамлар барча ишлаб топган тенгеларини долларга алмаштириб олмоқдалар».

Тангликнинг асосий сабаби корхоналар счётларига қўйган тўловлар масаласи, кредит пулларини ололмаётганликлари муаммоси ҳал этилмаётганлигида бўлсада, тўловларни ушлаб туриш сабаблари номаълумлигича қолмоқда, бинобарин кредитга берилган пуллар бўйича аниқ маълумотлар расмий сир, деб ҳисобланмоқда. Ҳолбуки, беш йиллик «бошқарув» битимлари бўйича ҳеч бир масъулиятни бўйинга олмасдан кўпгина давлат корхоналарининг мол-мулкларини сармоядорлар сотиб ёки ижарага олишлари мумкин эди, Қозоғистон хусусийлаштириш дастури бўйича йиғиб олинмаган қарзлар ҳукумат рухсатини олиши учун ана шу маълумотларни чоп этиш керак эди.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг қарзлари бўйича мораторийлар эълон қилиш билан тўловларнинг тўхтаб қолишини қисқартириш йўлини тутмоқда ва яқин орада Россияда муваффақиятли қўлланилган— муддати ўтиб кетган тушумларни сақлаб қолиш усулини бошлайди.

1994 йилда худди шундай тармоқлараро тўловларни тўламаслик муаммоси тўла ҳисоб - китоб қилиш учун Қозоғистоннинг бор пул миқдорини Миллий банк икки марта купайтиришга мажбур бўлгандагина ҳал этилган эди. Уша йилиёқ Қозоғистон тенгелари 80 фоизга қадри тушиб пул қадрсизланиши 1,800 фоизга етди.

Чарльз КЛОВЕР, «Файненшл Таймс».

Миссур Янги орлеанлик афсунгар аёл Мэри Лавю ҳақида кўп ўқиганман. Очиғи, иссиқ-совуқ, фолбинлик, сеҳргарликларга кўпда ишонавермайман. Лекин башоратчига ихлос қўяман. Ўтмишдаги башоратчилар ҳаётига, сеҳргарлик оламида қилган ишларига қизиқаман.

Мэри Лавюни «жодугарлар пири» ҳам деб аташган. Америка ёзувчилари баъзи асарларида Мэрини «ёвуз афсунгар» деб тилга олишган.

Мэри жодугар бундан бир аср олдин яшаган. Лекин унинг «жоду»лари ҳалиям кўчда деб ёзишади. Ростдир балки. У 1881 йилда оламдан ўтган. Янги Орлеандаги қабрига одамлар ҳамон сажда қилади. Муқаддас қадамжога айланиб қолган.

Айтишларича, Мэри Лавюни полиция тинмай назорат остига олиб турган. Аммо ҳеч бир куч унинг афсунларига барҳам беролмаган. У ақл бовар қилмас ишларни ҳам уддалаган. Илоҳий куч-қудратга эга бўлган.

Полиция уни ҳибсга олишга келганда мўъжиза рўй берган. Полициячилар ақл-идрокини йўқотган итга ўхшаб аккиллай бошлашган...

Булар ҳаммаси Мэри афсунгар ҳақидаги ўтмиш гаплардир. Уни пок, муқаддас, эзгулик учун башорат қилган дея олмаслигим мумкин. Чунки уни «ёвуз» жодугар ҳам деб таъкидлашади-да. Лекин Мэрининг қабрини бекорга илоҳийлаштиришмаганига аминман.

Одам боласи бошига мушкулот тушса, боши болишга тегса илоҳиётдан мадад кутади. Паноҳ истаб қолади. Дунёнинг турли жойларидан Мэри Лавюнинг қабрига келиб сиғинаётганларнинг мушкули осон бўляпти. Аниқроғи шу ҳақда кўп ёзишяпти. Афсунгарнинг сағана тошига Х белгисини чизиб, дардини айтган кишини унинг руҳи қўллар экан. Агар руҳ уни «ёқтирса», башоратчи бу аёлга ўз даврида ҳатто черков авлиёлари ҳам сиғинишганди.

Детройтда яшовчи 59 ёшли уста Бэрри Уинсолл узоқ йиллардан буён артрит касалидан азоб чекарди. Ҳатто у дардига даво йўқлигигаям ўзини кўниктирганди.

— Оғриқ азобидан дунё кўзимга тор кўриниб кетарди, — деб эслайди Берри Уинсолл. — Ҳардамхаёллик билан Мэри Лавюнинг қабрига бордим, ундан дардимга даво сўрадим. Шунгаям мана 18 ой бўлди. Ишонсангиз-ишонмасангиз, эртасигаёқ соғая бошлаганимни ҳис қилдим. Ҳозир отдекман. Истасангиз буни сеҳргарлик денг, истасангиз ёвуз жодугар Мэрининг «иши»йўйинг?! Мен учун Мэри — сеҳргар, мўъжизавий илоҳий руҳ.

Бундайлар кўп. Ўйлаш мумкин, дардни берган Худо шифосиниям бергандир. Балки шундайдир. Омадга ишонасизми? Ғойибдан келган бойлик-ка-чи? Мен баъзан ишонаман. Айниқса, башоратчи Мэри ёки Александрия тупроғининг илоҳий мўъжизалари ҳақида ўйлайман. Нега? Чунки тирик одамлар шуни жон-жаҳдлари билан тасдиқлаяпти. Ишонтиришга ҳаракат қилишяпти. Бундан икки йилча олдин Александрия тупроғидаги илоҳий мўъжизалар ҳақида ўқувдим. Негадир ўшанда кутаётган Эзгу ниятим амалга ошиши учун ихлос қўйгандим. Тасодифми айтган ўша эзгу ниятимга етдим. Бу балки Александриясиз ҳам амалга ошган бўлармиди?! Лекин ўша кезда мен ҳам кутмаган ишим амалга ошгандан ақлим шошгани рост. Бунинг нимаси ёмон. Ишонч яхши нарса.

Массачусетс штатининг Сан-Луис шаҳрида яшовчи Мими Дила эри вафот этгач, бир қанча қарз варақасини чангаллаганча оҳвоҳ чекиб қолаверди. Уч нафар боласи билан уйда егуликсиз қолиш аёл учун фожиада ахир. Шундай вазиятда ҳар қандай одам фақат Худодан мурувват кутса керак. Художўй бўлмаган кимсаям Яратганга шак келтиришдан қўрқса керак.

— Сеҳргар, фолбин, илоҳий куч деган фаразларга очиғи кўпам ишонмасдим, — дейди Мими Дила ҳалигача ишонқирамай. — Бир йилдан ошди, бева бошим билан қилмаган ишим қолмади. Болаларнинг қорнини тўйғазиш учун — эҳ, нималар қилмадим?! Бир куни Янги Орлеандаги дугонамникига бордим. У коллежда профессор, ақлли аёл. У менга Мэрининг руҳидан мадад сўрашни айтди. Ўзи унинг қабрига йўл олаётганини ва мени ҳам бирга боришни таклиф қилди.

Бордим, жилла қурса, юрагим бўшар деб юрагимни тўкиб-солиб қабрида йиғлаб-сиқтардим. Уйга қайтдим. Анча олдинроқ уй юмушини қилганимда эвазига лотерея билети билан ҳисоблашишувди. Орадан икки кун ўтгач, ўша лотереяга (ҳалиям ишонмайман!) ютуқ чиқди. 2 миллион! Ахир мендек ночорларга бутун бир хазина тўла сандиқдек гапку?! Бошқаларни билмадим-у, мен учун Мэри Лавю — сеҳрли фариштa!

Сеҳргар Мэри Лавюнинг муқаддас қабрини зиёрат қилувчилар кўп. Мадад топганлар кўп. Мушкулни шундай ҳал қилиш керак демоқчи эмасман. Одам нимагадир ишониб яшагани яхши. Чунки ишончсизлик энг ёвуз хислат. Негадир ҳеч нарсага эътиқодсиз одамдан қўрқаман.

Муқаддас қадамжони зиёрат қилган одам ҳеч қачон ёмонликни ўйламайди-ку? Ихлос қўймасаям, жилла қурса ёвузликдан ўзини тияди. Балки айтгани ҳар доим ҳам мустажоб бўлмас, мингдан бирники бўлар. Барибир юрагингиз бўшаб, руҳингиз енгил тортади. Ишониб умид қиламизку. Афсунлари рўёбга чиқмаса афсунгарни авф этинг. Ихлосингиз астойдил бўлсагина Сизни унинг руҳи қўллар.

Умид билан яшаш яхши, барибир.

Саида БОНУ.

Рўёми-риёми?

МИСР XXI АСР БЎСАҒАСИДА

Миср XXI асрга иқтисоди юксалаётган бир ҳолда қадам қўймоқда. Миср иқтисоди Ҳусний Муборак президентлик қила бошлагандан бери барча соҳаларда улкан юксалишга эришди. Ялпи маҳаллий ишлаб чиқариш 1981 йил 20,1 млрд. жунайҳ бўлган бўлса, 1995 йилга келиб у 146,13 млрд. Миср жунайҳини ташкил этди. Бу даврда миллий сармоялар ҳажми ҳам 43,7 млрд. жунайҳдан 286 млрд. жунайҳга етди. Фақат 1994-95 молиявий йилнинг ўзидагина бу кўрсаткич 41,3 млрд. га ошди. Айни чоғда аҳолига кенг кўламда хизмат кўрсатадиган тарбия, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилдики, бу мамлакат XXI асрга ишончли одимлар билан кириб келаётганини кўрсатади.

МАШИНА ЗЎРМИ, ИНСОН?..

Шатранж оламида

АҚШда юз берган бир воқеа шахмат аҳлини оҳанрабодек ўзига тортди. Бу ғайриоддий баҳс қатнашчиларидан бири жаҳон чемпиони бўлса, иккинчиси инсон тафаккури ҳосиласи — махсус компьютер эди.

Стокгольмдаги «Биргер яарл» меҳмонхонасининг шахмат автоматлари ўрнатилган концерт залида кетма-кет беш кеча «дона» суриш ўйинлари — турнир бўлиб турди. Бир вақтнинг ўзида олти партия ўйналиб, жуда кўп томошабинлар олишувларни кузатиб бордилар. Мухлислар зерикиб қолмаслиги учун турнир директори, шотландиялик халқаро мастер Девид Леви ўйинларни шарҳлаб турди. Турнир бошланиши олдидан баҳс иштирокчиларига: «Мўлжалингиз қандай ўринни олиш?» деб савол берилганда ҳаммаси: «Биринчи ўринни...» деб бир хилда жавоб беришди. Лекин Америка ва собиқ Совет дастурлари бошқаларидан афзалроқ эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Мусобақанинг иккинчи куни ҳамма юқори баҳолаган Америка дастури «Несс 4:0» енгилгач газеталар, энди бошқаси ютиб чиқади, деб ёза бошлади. Учинчи куни «Каисса» билан Американинг «Хаос» дастурлари учрашди... «Каисса» ютиб чиқди.

Турнир ўтказилаётган залда саҳнага кичик ҳажмдаги иккита ҳисоблаш машинаси, олтита терминал ва зални Европа ҳамда Американинг турли шаҳарлари билан боғлайдиган ўн битта телефон ўрнатилган. Телефонларнинг бири зал билан Москвадаги «Каисса» ишлаб турган Бошқариш проблемалари институти ўртасида алоқа боғлаб турарди. Терминалларнинг ишлашидан ҳосил бўлувчи ғалати ғала-ғовур-у телефонларнинг овози турнирга қандайдир ярмарка тусини берарди. Бир ҳисобда буни ярмарка деса ҳам бўларди, чунки бундай чемпионатдаги ғалаба ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарадиган фирмалар учун ажиб реклама-да. Бу фирмалар шунча куч ва машина вақтини шахмат дастурлари учун бекордан-бекорга сарфламайди, ахир. Биргина АҚШда 50 дан ортиқ шахмат дастурлари тузилганлиги бу ишга қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолат.

Шахмат дастурлари турнири ахборотларни ишлаб чиқиш халқаро федерацияси (ИФИП) томонидан ташкил этилди. Мусобақанинг охирги турини кўргани томошабинлар ҳаддан ташқари кўп йиғилди. ИФИПнинг расмий вакиллари етиб келдилар. «Бизнинг партия ўйналаётган стол саҳна олдига олиб қўйилди, — деб ҳикоя қилади М. Донской. — Острич муаллифи М. Ньюбори охирги дақиқаларда дебютни ўзгартирди. У «Каисса» буни ҳам билганлигини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Аммо «Каисса» 22-юришда руҳини бир отга бой бериб қўйди. Биринчи ўринга чиқишимиз учун 48-юришгача ўйинни бой бермаслигимиз керак, деб ҳаяжонланиб турганимизда Москвадан А. Арлазаровнинг қатъий овози эшитилди: «Биз бу ўйинни барибир ютамиз». Аслида турнирда ғолиб чиқиш учун бизга дуранг кифоя қиларди. Ҳақиқатан ҳам тунги соат ўн иккиларда иш пишиб қолди. «Каисса» икки пиёдани ютиб олиб, тез орада ҳар ғалгидек, олишувни ажойиб мот билан тугатди».

«Каисса»га шахмат компьютерлари ўртасида жаҳон чемпиони бўлганлигини тасдиқловчи медаль берилди. 110 грамм соф олтиндан ясалган бу медални ИФИП президенти, австралиялик олим Земанек билан англиялик ношир Максвелл топширдилар. Бундан чорак асрча муқаддам, жаҳоннинг икки обрўли шахматчиси ҳамда таниқли олими шахмат машиналарининг истиқболи ҳақида икки хал фикр айтганди. Эйве, машиналар юз йилда ҳам шахмат мастери билан тенглашолмайди деса, Ботвинник: яқин йиллар орасида электрон гроссмейстерлар пайдо бўлади, деган эди.

Дастлабки 15 йил мобайнида машиналар биринчи разрядли шахматчи кучида ўйнайдиган даражага кўтарилди. Бунга дастурларни такомиллаштириш йўли билан эришилди. Шу асосда бора-бора улар мастер ва ҳатто гроссмейстерлар билан рақобат қила бошлади, мана энди эса жаҳон чемпионларини ҳам қийнаб қўймоқда. Бунга АҚШда ўтказилган баҳс яққол мисолдир. АҚШ мутахассислари томонидан такомиллаштирилиб, Стилга мўлжалланган ўта сезувчан компьютер билан жаҳон чемпиони Г. Каспаров ўртасидаги яккама-якка баҳс уни кузатиб борган шахмат аҳлини бефарқ қолдирмади. Дастлабки кунданоқ баҳс авжига чиқди. Секундига миллионлаб операция бажарувчи электрон ҳисоблаш машинаси — компьютер 37-юришда ғалаба қозонганлиги қизиқишни яна орттириб юборди. Бундан чемпионнинг хуноби ошиб, машина чарчамайди, асаблари бузилмайди, одам эса бунинг акси дегандек луқма ташлади.

Кейинги икки партияда натижа дурангдан нари ўтмади. Каспаров ҳамон ортда борарди. Ниҳоят, 4-партияни ютиб, ҳисобни тенглаштирди. Машинага мослашиш, инсонга хос фазилатларни ишга солиш Каспаровга кетма-кет қолган икки партияни ҳам ғалаба билан якунлаш имконини яратди. Мутасаддилар томонидан таъсис этилган совриннинг 80 фоизи, яъни 400 минг АҚШ доллари Каспаровга, қолган 100 минг доллари эса машина учун дастур тузган мутахассисларга тегди. Айтишларича, шу дастур билан қуролланган компьютер жаҳоннинг дастлабки энг кучли 60 нафар гроссмейстерлари сафидан ўрин олиб турганмиш.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

ЯПОНИЯДА САККИЗИНЧИ ОНЕГИН

Япониялик профессор Масао Одзава Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романини ниҳоят 30 йиллик тинимсиз меҳнатдан сўнг япон тилига таржима қилиб бўлди.

Аслида «Евгений Онегин» бу даврга япон тилига 7 марта ўгирилган. 1921 йилиёқ биринчи таржима японларга тортиқ қилинган. Бироқ мутахассислар орасида узоқ вақтдан бери тортишув давом этарди. Қофия тушунчаси бўлмаган япон тилига бу шеърий романни қандай қилиб мукаммал таржима қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам шу пайттача қилинган таржималарнинг барчаси насрий тарзда бўлган ёки «Онегин бандлари»ни сақлаган ҳолда насрий таржима қилинган ва ўз навбатида «Евгений Онегин»ни шеърий тажрима қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб келинган эди. Аммо профессор Одзаванинг меҳнати бундай қарашларни чиппакка чиқарди.

Тўғри, гарчи Одзава ўзи шоир бўлса-да, асар асл нусхасидек юқори бадиий савия кашф этмаган, лекин нима бўлгандаям таржима ҳар ҳолда япон ўқувчиларига Пушкинча кечинмаларни сингдира олади ва айни замонда бу биринчи шеърий таржимадир. Шу важдан ҳам мутахассислар уни юқори баҳолашмоқда.

Италия манзаралари.

ХИТОЙЛИКЛАР ОЙГА ЧИҚИШМОҚЧИ

Хитойлик мутахассислар Ойга чиқиб, уни ўрганиш ва бойликларини ўзлаштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди. Ойни «ишгол» этиш янги аср бошларига мўлжалланган. Ҳозир унга тайёргарлик ишлари жадал олиб борилмоқда.

Синхуа агентлиги миллий фазовий бошқарма раҳбарларининг маълумотларига таяниб шуни маълум қиладики, Хитойда Ойни ўзлаштириш бўйича керакли технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу дастур доирасида фазо кемасини Ойга олиб чиқадиган тежамли транспорт тизими яратиш режаси тузилган.

Фазовий техника ихтирочиларидан бири бўлмиш Ая Госянанинг айтишича, ишлар агар рисоладагидек кетса, 2002 йилга бориб Хитой Ой орбитасига 2 тонналик фазовий йўлдош чиқаради. Бу борада ишлар ҳозир Германия билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Шу билан бирга биринчи фазогирларни учириш бўйича кенг қамровда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Тўғри, ҳозирча қачон учиш вақти айтилмаяпти, лекин бошқарма директорининг ўринбосари Ван Лихеннинг таъкидлашича, Хитой фазогирининг Ер атрофи орбитасига чиқиши ўта муҳим масала. Бунинг учун ракета қурувчилар янги супер ракета учирувчи модел устида ишлашмоқда. У коинотга 20 тонна юкни олиб чиқиш қувватига эга бўлади. Шунингдек, дастурда ракетанинг Ерга қайтиши ва қўниши кўзда тутилган.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

2025 ЙИЛГА КЕЛИБ...

«Уорлд уотч» ташкилоти бутун жаҳон аҳлини ичимлик сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга чақиради. Негаки, ушбу ташкилот мутахассисларининг фикрича, сайёрамизда қачонлардир юз бериши мумкин бўлган фуқаролар уруши ва очлик ҳалокатига ичимлик сувининг етишмаслиги сабаб бўлиши мумкин экан. Мутахассислар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, 2025 йилга келиб сайёрамиздаги тахминан 3 миллиард одам, яъни 40 фоиз аҳоли ичимлик сув танқислигидан азият чекаркан, яъни улар яшаётган жойларда ичимлик сув анқонинг уруғига айланаркан. Демак, биз ҳам сувни исроф қилмай, тежаб ишлатишимиз лозимга ўхшайди.

ПЕТРАРКА — ДОИМИЙ ТАЛАБА

Бугунги кунда Петрарканинг номи бутун Италияга маълум ва машҳур. Фақат гап ареццолик улуғ шоир Петрарка ҳақида эмас, балки Л.Акуилда яшовчи Марио Петрарка ҳақида кетмоқда. У 1970 йили 60 ёшга тўлган ва бу пайтда унинг 7 та мутахассислик бўйича дипломи бор эди. Марио бутун бор билимларни эгаллашга аҳд қилди ва қариганда ўқишни давом эттирди. 1979 йилда Неапол университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади. Сўнг 1982 йили Кьетида фалсафадан диплом ёқлади, 1985 йилда эса Терамода умумий фан бўйича университетнинг битириш имтиҳонини топширди. Ҳозирги кунда у Л.Акуилда педагогика соҳаси бўйича таҳсил олмоқда. Қария-талаба ҳозир 87 ёшда, бироқ ҳали тетик.

— Имтиҳон пайтида профессорлар менга атайин илмоқли саволлар беришади, - дейди Марио Петрарка. — Бироқ мен ҳаммасига босиқлик билан жавоб бераман.

— Дарҳақиқат, қарилик гаштини суриб, дам олиш вақти келмадими? — сурашади журналистлар.

— Нималар деяпсиз, педагогикани ўрганиб бўлганимдан сўнг иқтисодиёт ва савдони урганмоқчиман. Бу соҳаларнинг ҳам кўп қизиқарли томонлари бор. Шу икки соҳани 2000 йилгача ўқиб ўрганишга улгуришим керак. Сўнг астрономия билан шуғулланмоқчиман.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 1-may, payshanba № 51 (22.135).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 38254 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 23.50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«ҚУЁШ ТИККАГА КЕЛГАНДА...»

Китоб — содиқ дўст

Санъат инсон тафаккури ва ҳиссиётининг маҳсули сифатида пайдо бўлса-да, юлдузлар порлаши каби табиийдир. Табиийлик, айниқса назмнинг хос сифати, фазилати. Шеърга сунъий равишда «ишлов бериш» сатрларнинг қуймалиги, равонлиги ёки маъно бутунлигига путур етказади. Табиат табиийлиги билан яшовчан, бардавом. Масалан, йил фаслларининг алмашинишида сунъийлик йўқ. Шу маънода табиийлик ҳақидаги мулоҳазаларни Халқаро Чўлпон мукофоти соҳиби, иқтидорли шоир Ўткир Раҳматнинг навбатдаги «Кўзим қорачиғи» китобига ҳам татбиқ этса бўлади. Китобда шоир қалби фаслларининг гоҳ сокин, гоҳ гуркираб, гоҳ шиддат билан кечаётган манзаралари акс этган. Бу манзараларда сунъийлик сезилмайди. Ҳаяжон, эҳтирос, илҳом ва маъно тарққиётида, сўз санъати, тасвир воситаларининг шоир шеърларидаги тадрижида санъаткорона табиийлик устун эканини зукко ўқувчи осонгина пайқайди. Фикримизнинг исботи учун шоирнинг Сўзга бўлган масъулиятли муносабатини ҳам очиб берувчи «Сўз» шеъридан парча келтирамиз:

Ў, бўғзимда қолган — сўз,
Қалбга ларза солган — сўз,
Вужудимни олган — сўз,
Аждар каби ётибсан,
Чўғдай дилга ботибсан!..
Чорасиз қолган бўзим,
Айтолмай қолган сўзим!

1

Теннис байрами арафасида

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

— Енгил кийиниб, кичик тўпни қўлга олиб майдонга тушиш завқини теннис ўйнаган киши яхши билади, — дейди Тошкентдаги «Динамо» теннис клуби президенти, республика «Ҳавас» турнирини ўтказиш ташкилий қўмитасининг аъзоси Генрих Дашевский.

«ДУНЁДА ЭНГ ФУСУНКОР»

Нафосат гулшани

«бўйимдай бўй топдиму, кўнглимдай кўнгил топмадим» деб. Шу ўринда раққс—санъатига саёз, юзаки баҳо берганларини кўрсам хафа бўлиб кетаман. Ахир раққс-кишининг ички дардларининг муножоти, сассиз кўнгил изҳори, қалбингиздаги шиддатли ҳаяжонингизнинг тасвири. У нигоҳларингиз билан куйлангувчи қўшиқ. Ҳолбуки уни раққоса ғоят назокат билан юксак фаросат пардаочиш, завқланиш манбаи деб билганлар унинг инқирозига йўл очадилар.

Нодирахон Маматхонова-дан «Эртанги ўзбек рақсининг қудратини қандай тасаввур қиласиз?» деб сўраганимда, ўйчан гап бошлади:

— Тўғри айтасиз. Ҳаётда, кўп нарсанинг моҳиятини, унинг келажакдаги камолоти белгилайди. Шунингдек унинг ибтидоси ҳам, ўтмиши ҳам, эртанги кунга, кўзгу каби хизмат қилади, деб ўйлайман. Ваҳоланки, ўзбек рақси тарихида кўплаб иқтидорли улкан санъаткорларимиз номи ярқираб турибди. Биргина Мукаррама Турғунбоева яратиб кетган мактаб маъшаласи ҳеч қачон сўнмайди. Кўнгил эса мудом гўзаллик ошуфтаси. У муаттар ифорларни соғиниб, севиб яшайверади. Эртанги заминга тамал тошини ҳам бугун биз қўямиз. Агар бугунги истеъдодларнинг қадрига етмасак, уларни асраб авайламасак, келажак ҳақида ўйлаш хато. Ўзбек раққс санъатининг истиқболи албатта порлоқ бўлади. Мана муҳтарам Президентимиз миллий рақсимизга алоҳида эътибор қаратиб махсус қарор қабул қилдилар. Шунинг ўзи ҳам биз раққосаларга бўлган самимий ишонч, ғамхўрлик намунаси. Менинг назаримда дунёда ўзбек рақсидан гўзалроқ, фусункорроқ рақс дунёда йўқ. Тўғри ҳамма учун ўзиники азиз. Лекин мен барибир шундай деб ўйлайвераман.

— Нодирахон, аёл киши сифатида, яъниким бир йигитнинг суюкли ёри, бир файзли хонадоннинг бекаси бўлиб, уйда бўлган кезларингизда кўпроқ нима билан шуғуллансиз?

— Аёл кишининг жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, у барибир аёллиги билан муқаддас, агар унинг шахсий ҳаёти, шахсий бахти йўқ экан, ҳеч қачон ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис қилмайди. Гарчи қанчалик шон-шавкати бўлса ҳам, татимайди. Унинг ўзи ҳар лаҳзада буни ботинан сезиб туради. Бошқаларнинг кўзига ялтироқ бўлиб кўринаверади. Кечирасиз гапдан чалғиб кетдим. Уйда кўпроқ пазандалик билан машғул бўламан. Ҳар хил ширин таомлар пишириши яхши кўраман. «Қўли ширин» аёлга турмуш ўртоғи ҳамиша талпиниб туради.

Мен бу гўзал раққоса, хушфеъл, назокатли аёл билан узоқ соатлар суҳбатлашиб ўтирдим. Вақт ўтганини сезмадим. Ҳеч зерикмадим. Балки ўзи таъкидлаганидек, кўнглимдек кўнгил топгандурман. Балки у ҳам озгина бўлса-да маънавий ҳордиқ олгандир...

...Яна ким билади дейсиз.

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Vatanni sevmak iymondandur!

Ўткир Раҳмат ижодига ҳам халқимизнинг севимли шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеъриятидаги каби, табиийлик, равонлик ва соддалик, ўқувчи қалбига шеърнинг сеҳрли қудрати билан осонгина кириб бориши хосдир. Шеър бу — аввало муҳаббатдир. Муҳаббат тушунарли бўлиши керак. Муҳаббатда мусобақа бўлмайди.

«Кўзим қорачиғи» китобига киритилган шеърларни мустақиллик шеъриятининг сара намуналари дейиш мумкин. Гарчи мажмуа шоирнинг бутун ижодидан тузилган шеърий гулдаста бўлса-да, унга киритилган шеърлар истиқлол бахтидан баҳрамандлик, улуғ аждоддаримизнинг армонлари ушалиб, мустақиллик шарофати ила халқимиз орзу-умидларининг рўёбга чиқиши, кўз қорачиғидек муқаддас ва мўътабар Ватанни севиш, асраб-авайлаш руҳи билан суғорилган. Назаримизда, Ўткир Раҳмат ижодида Ватан мавзуи марказий мавзулардан бирини ташкил этади. Шу боисданми, шоир бу мавзуни ёритишда аксарият шоирларимиздан бир поғона баландга кўтарилган. У фақат юрт ва халқимиз, унинг буюк ўтмиши ҳақида ёзиб қолмай, истиқлолга эришган Ватан, мустақиллик қуёшидан баҳраманд халқимиз тўғрисида, унинг буюк келажаги хусусида баланд эҳтиросларини ёзади.

Истиқлолинг энди бор бўлсин,
— Бундай қараганда, кўпчилик теннис ўйнашни орзу қилиши мумкин. Зотан, аксарият ҳолларда мулоҳазага бориб, бундай машғулотни ўзларига эп билмайдилар. Шу боисдан ҳам ўтган йили «Ҳавас» соврини учун республика мусобақасини ташкил этилиши раҳбар ходимларда шунингдек, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарларида ўзига хос кайфият юзага келтирди. Бундай савобли ишга қўл урилиши билан жойларда теннис ўйингоҳларини бунёд этиш бошланиб кетди. Бугунги кунда деярли барча вилоят марказларида халқаро андозаларга мос теннис ўйингоҳлари бор, десак муболаға қилмаган бўламиз. Республика мусобақасига эса ҳавас тобора ортиб бормоқда. Гап бу ерда совриндор ёки ғолиб бўлишда эмас, балки саломатликни мустаҳкамлаш, кайфиятни яхшилашда.

«Ҳавас» мусобақаси бу йил ҳам кўпчиликка баҳорий кайфият бахш этарди. Мусобақада анъанага кўра ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, республика раҳбар ходимлари, уюшмалар ва концернларнинг раислари иштирок этади. Ният — теннисга бўлган ҳавасни оммалаштириш, юртимизда теннисни севимли спорт турларидан бирига айлантириш. Бу сафар 60 киши 15 гуруҳга бўлинади. Мусобақа, ютқизган ўйиндан чиқади, тартибида уюштирилади. Қўли баланд келган теннисчи иккинчи босқичга ўтади. Совриндорлик баҳсининг иккинчи куни эса 32 киши саккиз гуруҳга бўлинади. Улар орасида биринчи босқич ғолибларидан иборат 15 нафар теннисчи ҳам бўлади. Ғолиб келганлар яна курашни давом эттириш имкониятига эга бўладилар. Учинчи босқичда эса кучли 8 теннисчи ўртасида қуръа ташланиб, чорак финал иштирокчилари аниқланади. Учрашувлар ярим финал ва финалгача давом эттирилади. Бир сўз билан айтганда, мусобақанинг унутилмас воқеалар ва таассуротларга бой бўлиши кутилмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

— Раққс, ўзбек рақси, — дея эътироф этади латиф табассум ила Ўзбекистон телерадио компанияси қошидаги, Ғанижон Тошматов номли, «Дуторчилар» дастаси раққосаси Нодирахон Маматхонова.

— Тангри таоло одамзотни бино қилганида куй билан жон киргизгани бежиз эмас. Жозиб оҳангларда жони эриб кетмайдиган, қалби нажиб титрамайдиган инсон топилмаса керак. Раққс эса ана шул жўшқинликнинг дилбар бир бўлаги деб ўйлайман, — давом этди у.

Менинг наздимда раққс илоҳий гўзалликнинг, юрақдаги пинҳон хушҳол андуҳларнинг латофатли ифодасидек гўё. Малоҳат юртининг элчиларидек, бир тўп оққуш мисоли мастонавор хиром айлаётган, паривашларни кўриб кимнинг чашми жаҳони яшнамайди дейсиз.

Болалигимда раққс оламининг маликалари Феруза Солиҳова, Малика Аҳмедова, Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўсмуҳаммедоваларнинг суратларини журналлардан қирқиб олиб болалик альбомларимизга муҳрлаганимиз ҳануз эсимда. Нодира опа билан суҳбатлашганимда ўшал мурғак, мусаффо туйғуларнинг оловли муҳаббати билан уни тингладим.

— Биласизми, дунёда инсонларнинг моддий эҳтиёжи жуда ҳам кўп ва унинг малҳамини ҳам топишади. Лекин одамнинг маънавий эҳтиёжини қондириш бирмунча мураккаб кечади. Масалан мен ҳамма суҳбатдошларим билан ҳам ҳузурланиб, кўнгилдан суҳбатлашолмайман. Боиси ўша маънавий эҳтиёжга бориб тақалади. Айтишадику ларида куйлангувчи қўшиқдек ижро этади. Болалигимда ойнаи жаҳонда куй янграб қолса борми, беихтиёр бармоқларим ҳаракатга келарди. Ўйнаб кетардим. Ота-онам бунга шунчаки болалик ҳаваси-да деб қараган бўлишлари эҳтимол. 8-синфни тугатиб, Тошкентга — улуғ санъаткорларга бешик бўлган пойтахтга келдим. Қарорим жиддийлиги учун, ота-онам оқ йўл тилашдан нарига ўтолмадилар. Бу ерда мен устозларим Ўзбекистон халқ артистлари Юлдуз Исматова, Дилбар Абдуллаева, Фотима Носировалардан раққс сирларини ўқдим, ўргандим. Уларга мудом таъзимдаман. «Дуторчилар» дастасига раққс мактабидан тўғри келдим. Яъни расмий равишда иш фаолиятимни шу ердан бошладим. Бу қадрли даргоҳ менга катта мактаб вазифасини ўтади. Ғанижон Тошматовдай улкан қалб соҳиби билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлдим. У кишининг оталарча меҳр-муҳаббати, бизни фақат эзгулик сари ундарди. Чинакам меҳнатгина ютуқлар самараси эканлигини тинмай уқтирардилар. Бу ердаги 25 юракнинг барчаси ҳамоҳанг тепади. Барчасининг дарди бир. Қувончу орзулари битта торда куйланади».

Ҳа, сулув бир малак дутор наволарига навозиш айлаганида, 25 кўнгилнинг исмидан товус янглиғ парвоз қилади. 25 қалбнинг мушку анбарини сочади гўё.

Миллий раққс санъатимизнинг, ўзлигини, бўй-бастини, доврўқли рақсимизнинг бугунги қисматини, рақсни ҳаётим деб билганларгина, юрақ-юрақдан ҳис этадилар. Айримлар сингари кўнгил

Омон кўрдим сени,
жон-таним.
Руҳлар сенга мангу
ёр бўлсин,
Она-юртим — азиз Ватаним!

Инсон хотира билан тирик, хотира-ҳаёт мазмуни. Узун умрдан қоладиган қисқа маъно ҳам хотирадир. Ўтганларни хотирлаш савоб ва айни пайтда тирикларнинг ўзларидан яхши хотира қолдиришга бўлган уринишидир. Ўзининг яқин кишиларини йўқотиш инсон учун катта фожиа. Шоирнинг «Ҳайқириқ», «Умид», «Армон», «Гуласал», «Гўри Амир» сингари шеърларида марҳумларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириш тирикликнинг фазилати саналиши, бу нарса марҳумлардан кўра кўпроқ тириклар учун зарур экани таъкидланади. Зеро, инсон қадрини улуғлаш адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

«Кўзим қорачиғи»да болаликни қўмсаш, ўсмирликнинг биринчи беқарор туйғулари ҳақидаги шеърлар оз эмас. Болалик соғинчи ижодкорни кўпроқ шоир қилади, назаримизда. Усмон Носир шеъриятни қора, асов тойчоққа ўхшатган эди. Шоир бу ташбеҳни ривожлантириб шундай ёзади:

О, тойчоғим, ортингдан қолмай,
Машаққатлар сари бурдим юз,
Юксаклардан қўл силкиб тинмай
Чорлар эди Усмондай юлдуз!

Ўткир Раҳмат баҳор, ёмғир, томчи, қиш, қор, қуйингки, бутун табиатни инсон шуури ва қалбига таъсири манзараларини тадқиқ этувчи шоир ҳамдир. Шоирнинг табиат ва инсон уйғунлиги, муносабатлари борасидаги шеърлари умумий мазмунини шундай шаклда ифодалаш мумкин: вужуд дарахт бўлса, қалб унинг илдизидир. Қалб қанчалик теран бўлса, вужуд ҳам шунчалик бақувват бўлади. Вужуднинг ватани юрт бўлса, Ватаннинг ватани қалбдир. Шоирнинг «Баҳор», «Лола», «Ёмғир», «Ҳамал» каби шеърларини шундай шеърлар сирасига киритиш мумкин.

Шоирнинг муҳаббат, дўст, ёшлик, туғилган юрт мавзуидаги шеърларида ҳам чуқур лиризм ва кенг фалсафа, бир ошиққа хос истироб ва бахт, бир инсонга хос армон ва орзу оҳанглари авж пардаларда куйланади. Тўпламдаги «Муҳаббат», «Ёшлик», «Меҳрингга зорман», «Синглимга хат», «Соялар» сингари ўнлаб шеърлар бадиий жиҳатдан юксак эканини таъкидлаб, улар шеъриятимизнинг сара намуналарига айланиб қолади, дея айтиш мумкин.

Китобга киритилган «Кўрқиз» драматик достони қизиқарли композицияси, воқеаларнинг ғаройиблиги билан ўқувчилар меҳрини қозонади. Кўз инсонни ёруғ олам билан боғлаб турувчи энг муҳим аъзо. Оламга, одамга баҳо беришда кўз ўлчов вазифасини ўтайди. Шундан бўлса керак, жаҳон адабиётида кўр кўзлар ҳақида бир-биридан ғаройиб, қизиқарли асарлар яратилган. Шоиримиз Ўткир Раҳматнинг «Кўрқиз» достони сюжетининг фавқулоддалиги билан ҳам ана шундай нодир асарлар қаторидан ўрин олади. Моҳир шифокор Самандар пичоқланиб чавақланган, касалхонага келтирилгунча оламдан ўтган, кўзга кўринган раҳбар Аҳмадуллонинг кўз гавҳарини олиб, жарроҳлик йўли билан туғма кўзи ожиз қиз Маъсуданинг кўзига ўрнатади. Бироқ нопок ва маънан қашшоқ бўлган Аҳмадуллонинг кўз гавҳари хотираси Маъсудани қийнайди. Достон ана шундай драматик ҳолатлар, қаҳрамонлар муносабатларининг таранглиги билан ўқувчиларнинг севимли асарига айланади.

Эл-юрт, меҳр-муҳаббат, баҳо ва фано, инсон қалби ва умр мазмунини ўзига хос бадиий тафаккур билан тадқиқ этган шеърлардан тартиб берилган «Кўзим қорачиғи» китоби китобхонларимизга манзур бўлишига шубҳа йўқ.

Салим АШУР.

МАМИН МЕРГАН МАРДЛИГИ

Ҳодиса

Берансой, Сармиш, Жизлон массивлари хушманзаралиги, ўт-ўланларга сероблиги билан ажралиб туради. Айниқса, мазкур яйловларнинг тоғолди жарлик ва сойлардан таркиб топгани боис бу ерларда каклик, бедана, ёввойи каптар, йўрға сингари парранда ва даррандалар ниҳоятда кўп. Шунингдек, бу даштликларда тулки, ёввойи тўнғиз, шақол ҳам сероб. Бироқ, бир неча йилдирки, бўри ва чиябўри бутунлай йўқолиб кетган эди. «Яйлов бўрисиз, қишлоқ ўғрисиз бўлмайди», деганлари ҳақ экан. Яқинда чўпон-чўлиқлар қўзилатишни якунлаб баҳорги жун қирқимини бошлаётган бир пайтда Жизлонга бўри оралади. Йиртқич бир ҳафта давомида уч-тўрт чўпоннинг бир неча қўйларини чавақлаб кетди. Бундан саросимага тушган қўйчивонлар биргина «Сармиш» жамоа хўжалигининг эмас, балки Навбаҳор туманининг манаман деган тажрибали овчиларига мурожаат қилишди. Овлоқдаги овчилар йиртқич изига тушмаёқ ёш чўпон, чапдаст отчопар Мамин Найзаев кутилмаганда бўри билан тўқнаш келиб қолди. Ови бароридан келиб қорни текин гўштга тўйган олазарак бўри чаққон чўпон отидан қочиб қутулолмади. Мамин бўрини қувиб ҳолдан тойдириб, отиб ўлдиришга муваффақ бўлди. Кекса чўпонлар фикрига қараганда, Қизилўрда, Ўтемурод, Кумушбулоқ саҳроларидан кутилмаганда Жизлонга «ташриф» буюрган бўри ёлғиз эмас. Унинг шериклари ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу дегани Маминдек мерганлар ҳамиша сергак турмоғи керак.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КИШИ БОШИГА ҚЎШҚАРМОҚ

Баҳор ойлари дарёларда сувнинг кўпайиши, кўл ва ҳавзаларда ўзгача манзаранинг вужудга келиши билан балиқ ови ишқибозларининг тинчи бузилади. Улар қармоғу тўрларни қўлларига олиб, табиат қўйнига ошиқадилар. Албатта, табиат билан ошнолашиш ўзига хос саодат. Аммо тартиббузарлик, қонун-қоидаларга риоя қилмаслик, хоҳлаган ерда истаганча балиқ овлаш зарар келтириши табиий.

— Анъанага кўра бу йил ҳам балиқ ови мавсумининг маълум муддатларини белгилаганмиз, — дейди ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда қўриқхоналарни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат назорати бош мутахассиси Баҳодир Эшонхўжаев. — Ўйлайманки, ишқибозлар қўлларига қармоқ тутганларида балиқлар қайси пайтларда уруғ ташлашини унутмайдилар. Айтайлик, балиқларнинг уруғ ташлаш арафасида соатлаб соҳил бўйида ўтириб, овсиз қуруқ қайтиш ҳам мумкин. Боиси, бундай пайтларда балиқлар кўринган ўлжага ёпишавермайдилар. Аксинча уруғ ташлаш учун қулайроқ жой излаш чоғида балиқларнинг иштаҳалари шундай очилиб кетадики, оқибатда овчининг қўлида тайёр ўлжа бўлиб қоладилар. Балиқ овловчилар ҳам ҳар хил бўлади. Инсофли, инсофсиз, дегандай, кимдир маълум миқдордаги овдан кейин кўнгиллари таскин топиб қайтишлари мумкин, бошқалари эса қоп тўлмагунча овлашни давом эттириб, аввало балиқни, қолаверса, юзлаб балиқчалар юзага келиши мумкин бўлган омилга зиён етказадилар...

Умуман ҳар қандай шароитда ҳам балиқ овлаш ман этилмайди. Фақат балиқлар уруғ ташлаш чоғида бироз камроқ овланса, кабоб ҳам, сих ҳам куймайди. Ҳамма ерда эмас, алоҳида ажратилган жойларда, киши бошига иккитадан қармоқ билан овни давом эттиришга йўл берилган. Тўр ташлаб ёки бошқа усуллар билан кўпроқ овлашга берилиш ярамайди. Овлаш муддатлари ҳақида икки оғиз гап. Бу йилги шароитда Сирдарё ва Амударё сувларида 10 мартдан 31 майгача, Қорақалпоғистон ва Хоразм томонларда 25 апрелдан 10 июнгача, қолган сув ҳавзаларида 16 апрелдан 31 майгача балиқ овлашга имкон берилади.

Балиқларнинг уруғ ташлаш даврида, шунингдек, кўл ва дарёларда ортиқча шовқин бўлмаслиги важидан моторли қайиқларда сузиш ҳам ман этилади. Ов билан боғлиқ тартиб-интизомга риоя қилиш юзасидан талабчанлик етарли бўлишига қарамай, хатога йўл қўйишлар бўлиб турибди. Бўлмаса қоида бузарлик учун маъмурий ва жиноий жазо чоралари мавжуд. Айниқса, тобора камёб бўлиб бораётган балиқ турларини овлаганлик учун 3 минг сўмгача жарима солинади. Бошқа хил балиқларни рухсатсиз ва ҳаддан ташқари кўп овлаганлик учун 300 сўмдан 600 сўмгача жарима ундирилади. Хусусан, ўтган йили сув ҳавзаларида 1950 марта қоида бузарлар қўлга олинган. Уларнинг 534 та тўр ва бошқа ов воситалари мусодара қилинган. Жарима қиймати эса 1 миллион 16 минг сўмни ташкил этган. Бир сўз билан айтганда, балиқ табиат бойлиги, уни кўпайтириш, асраш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Масгут МАҲМУТОВ,
жамоатчи овчи.

Ўн саккиз минг олам

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси ва «Меҳригиёҳ» газетаси жамоаси шу газета адабий ходими Саодатхон Йўлдошевага опаси **Ҳакимахон СУЛТОНОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти раҳбарияти ва жамоаси «Дори турлари технологияси» кафедраси мудири Миржамол Миролимовга отаси **МИРАҲМАТ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.